

## ТИҚХММИ 1-курс талабалари билан учрашув

Институтимизнинг «Назарий ва қурилиш механикаси» кафедраси профессорлари М.Мирсаидов ва Т.Мавлоновлар 05.09.2019 йилда “Гидромелиорация” факультетининг 1-курс талабалари ва Гидротехника қурилиши факультети ГТИ ва НСФ йўналишининг 1 курс бакалавриат талабалари билан учрашувлар ўтказишиди.

Суҳбат давомида талабаларни келгусида яхши мутахассис бўлиб, Республикаизга хизмат қилиши учун яхши ўқиб, пухта билим олишлари ҳақида гапирилди. Улар яхши билим олишлари билан бирга ҳар томонлама етук бўлиши, яъни маданиятли ва маърифатли кишилар бўлишга тинмасдан меҳнат қилиши ҳақида гапиришиди.

Шу билан бирга Президентимз Ш.М.Мирзиёевнинг ёшларнинг билим олиши учун ҳамма шароитларни яратадиганлигини, бунинг учун қабулни шаффоғ қилганлиги, ҳозирги кунда Республикаизда 112 та олий ўқув юрти ишлаб турганини, бу йилнинг ўзида 35 та олий ўқув юрти очилганлигини, шулардан 12 таси хорижий олий ўқув юртлари эканлигини айтиб ўтишди.

Бу йил қабул қилинган талабалар билим олишга астойдил ҳаракат қилиб, келгусида маданиятли, одобли кишилар бўлиб, Республикаизнинг юксалиши учун сифатли кадрлар бўлиб хизмат қилишларини тилаб қолишиди.



Институт Матбуот маркази раҳбари Р.Жуманиёзов